

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2017  
август

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

**Х.ҚОСИМОВ, Н.ИКРАМОВА**

Ядросида Мейер функцияси қатнашган каср тартибли интегродифференциал операторлар композициясининг бир хоссаси ҳақида ..... 5

## ФИЗИКА, ТЕХНИКА

**А.МИРЗАҚУЛОВ, Х.ШЕРМАТОВА, З.МУҚИМОВА**

Физика ўқитувчисининг таълимга инновацион ёндашуви ..... 8

## БИОЛОГИЯ, КИМЁ

**Д.КОМИЛОВА**

Барг ўровчи құнғызлар (Coleoptera: attelabidae)нинг тарқалиши ва қисқача үрганилиш босқичлари ..... 12

**М.АҲМАДАЛИЕВ**

Дифурфурилиденацитоннинг олигомерланиши.-I. ..... 15

**М.ИСМОИЛОВ, Х.ЖҮРӘЕВ**

Қовушқоқликни оширувчи құндирмалар олиш ..... 20

## ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

**В.МАХМУДОВ**

Кўп йиллик бошоқдош ўсимликларни Ўзбекистон адиrlарида интродукция қилиш ..... 24

**М.ҒОЗИЕВ**

Беда остига солинган ҳар хил органо-кимёвий моддаларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсири ..... 27

## Ижтимоий-туманинтар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

**А.ҒАФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА**

Қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шакллантириш хусусиятлари ..... 30

**О.ТЎЙЧИЕВА**

Тўқимачилик корхоналарида лизинг муносабатларининг ривожланиш тенденциялари ..... 33

**Қ.ЮСУПОВ**

Сурутанинг бозор иқтисодиётидаги афзаллиги ва самарадорлиги ..... 36

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

**Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ**

Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёти ва самарадорлиги ..... 40

**Б.ТЎЙЧИЕВ, У.НАЗИРОВ**

Фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларнинг ўрни ..... 45

**Н.ПУЛАТОВА**

Аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш масалалари ..... 49

**Ф.ЮЛДАШЕВ**

Фалсафада этика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари ..... 52

**Н.РАҲИМБАБАЕВА**

Донишманлар масъулият ҳисси ҳақида ..... 55

**М.ЭРГАШЕВА**

Совет ҳокимиияти даври (1919-1945 йй.)да архив ҳужжатларини жамлаш ..... 58

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**А.АБДУРАҲМОНОВ**

Қуёш образи ва унинг поэтик функцияси ..... 63

## ТИЛШУНОСЛИК

**С.ҚУРБОНОВА**

Лингвистик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлишига доир ..... 66

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

УДК: 32.93+008

## АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Н.Пўлатова

**Аннотация**

*Мақолада аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик онг ва маданиятни шакллантиришининг маънавий асослари таҳлил этилган.*

**Аннотация**

*В статье анализируется процесс формирования экологического сознания и культуры в социальной деятельности населения.*

**Annotation**

*In this article the formation of ecological consciousness and culture in social action of population are indicated.*

**Таянч сўз ва иборалар:** экологик маданият, экологик онг, иқтисодий фаолият, шариат қонунлари, ижтимоий фаолият.

**Ключевые слова и выражения:** экологическая культура, экологическое сознание, экономическая деятельность, законы шариата, социальная деятельность.

**Key words and expressions:** ecological culture, ecological consciousness, economic action, social action, rules of shariat, social activity.

Аҳоли турли қатламларининг ижтимоий фаолияти жамият аъзоларининг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу, биринчи навбатда, моддий эҳтиёжлар бўлиб, инсон моддий эҳтиёжларини табиатдан олади ва таъминлайди. Табиатдан ўз эҳтиёжларига кўра яшаш воситаларини, манбаларини олиш жараёнида инсон бевосита ва билвосита табиатга таъсир кўрсатади. Мазкур жараён асрлар оша минглаб йиллардан бўён давом этиб келади ва бу давр ичida қўплаб табиий бойликлар инсон томонидан йўқ қилиб юборилди.

Табиатнинг бир бўлаги бўлган инсон шу табиат олдида ўз масъулиятини ҳис қила оладими, табиий бойликларни фақат фойдаланиладиган манба сифатида эмас, балки унинг ноёб жиҳатлари муҳофазага ҳам муҳтожлигини тушуна оладими? Овчи ўз ўлжасини отаётганида шу нарсани ўйлайдими ёки дараҳт кесаётган одам унинг ўрнига бошқасини ўстиришни ўз бўйнига оладими? Биз, аввало, кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятида экологик муносабатларнинг шаклланишини экологик онгнинг шаклланишига боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Ижтимоий - экологик онг ижтимоий онгнинг муҳим таркибий қисми сифатида инсоннинг, умуман, жамиятнинг табиатга бўлган муносабати ҳақидаги ижтимоий ҳис-туйғулар, фикр ва ғоялар, қараш ва назариялар

тизимиdir. Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида унинг мазмуни, шаклланиши ва ривожланиш даражаси турлича бўлади.

Ижтимоий-экологик онг мазмунан жуда бой ва кўп қирралидир. Акс эттириш даражасига, намоён бўлиш шакли ва хусусиятларига кўра унинг назарийлашмаган, системалашмаган, ижтимоий психологик ва кундалик онг даражасига ажратиш мумкин. Ижтимоий экологик онгнинг назарийлашган қисмини муайян жамият унинг ижтимоий гурӯҳ ва қатламларida мавжуд бўлган ижтимоий - экологик ҳис туйғулар, кечинмалар, ижтимоий - экологик анъаналар, хулқ-автор ва шунга ўхшаш ижтимоий-психологик элементлар ташкил этса, унинг назарийлашган томони ижтимоий-экологик ғоялар, қарашлар, назария ва таълимотлардан иборатdir.

Жамият аъзоларида ижтимоий-экологик онгни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, қуидаги вазифаларни ўз ичига олади. У кишиларни ўраб турган муҳит, табиатни севиш, уни ардоқлаш, поклигини сақлаш, ундан оқилона фойдаланиш руҳида тарбиялайди. Инсон ва муҳит, жамият ва табиатнинг ўзаро диалектик алоқадорлигини илмий тушуниш ва унга амал қилиш, бу ўзаро таъсир

Н.Пўлатова – ФарДУ миллий ғоя, маънавият асослари ва хукук таълими кафедраси ўқитувчisi.

оқибатида юзага келган зиддиятларни бартараф этиш вазифаларини қўяди. Бундан ташқари, у нокулай ижтимоий-экологик ҳолатнинг олдини ола билиш, бутун инсониятнинг мулки бўлган дунё мусаффолигини таъминлаш ҳамда унинг бойликларидан ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш зарурлигини чуқур ҳис қилиш, умуман, инсоният цивилизацияси табиий, моддий негизларига дахлдор жаҳон жамияти муаммоларини ҳал этиш вазифаларини қўяди.

Ижтимоий-экологик онгнинг шаклланиши маълум даражада кишиларнинг турмуш шароитлари, яшаш тарзи ва ҳаётий тажрибалари заминида объектив суратда стихияли тарзда шакллана борган бўлса, жамият тараққиётининг кейинги босқичларида ижтимоий - экологик онгнинг шаклланишида таълим-тарбиянинг, субъектив омилларнинг роли ортиб борди. Ҳозирги шароитда аҳолининг иқтисодий фаолиятида ижтимоий-экологик онг ва маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш учун кишиларга табиатдан фойдаланишнинг илмий асосларини ўргатиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги, табиат тақдири учун инсониятнинг масъуллиги ҳақидаги юксак ҳис-туйғуларни ифодаловчи ахлоқий жиҳатларни тарбиялаш лозим.

Ижтимоий-экологик онгни, маданиятни шакллантиришда халқ анъаналари ва урфодатларини ҳам тарғибот қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Жамият тараққиёти ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатларининг тубдан ўзгаришига олиб келади. Кишиларнинг иқтисодий фаолияти ижтимоий муносабатларни юзага келтиради. Бу муносабатлар кишиларнинг меҳнат қилиш жараёнидаги ўзаро муносабатларидан ташқари табиатга, унинг ресурсларига бўлган муносабатдан ҳам иборат бўлади. Бу муносабатлар негизида пайдо бўлган тежамкорлик, асраб-авайлаш, нобуд қилмаслик ёки ернинг сифатини яхшилаш, унинг ҳосилдорлигини орттиришга ҳаракат қилиш каби ҳолатлар туфайли экологик муносабатлар экологик маданиятга айланиб боради.

Аҳолининг иқтисодий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш, энг аввало, табиий ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнига тортишдан олдин йўлга қўйилади. Табиий ресурслар тугалланадиган ва тугалланмайдиган ресурсларга бўлиниб, тугалланадиган ресурсларнинг айrim турлари, масалан: ўрмонлар, ер, сув, айrim ҳайвон турлари тикланиши мумкин. Тугалланмайдиган ресурслар бу иқтисодий фаолиятда чегарасиз фойдаланиш мумкин, деган хуносага олиб келмайди, албатта. Табиий ресурсларга тўғри муносабатни шакллантириш, уларнинг нобуд бўлиши, атроф - муҳитни ифлослантириш ҳолатларини ҳис қилиш эса тизимга айланишини талаб этади.

Ижтимоий-экологик онгнинг шаклланиши маданиятимиз ва маънавиятимизнинг тарихий манбаларида акс этган. Энг қадимги ва мукаддас китобларидан бири – Авестодаги инсонларнинг табиатга бўлган муносабати ҳақидаги кўрсатмалар бир неча минг йиллар ўтса-да, ҳозир ҳам теран мазмунга бойлиги билан намоён бўлмоқда. Жумладан, зардуштийлик манбаларидан бирида “Тоғ жилғаларидан биттасини қуритган одам Тангри душманидир” деб баён этилган [1.73].

“Авесто”да табиат ва жамиятга бўлган ҳукуқий муносабатлар ҳам баён этилиб, табиатга қарши жиноят ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузиш, ернинг унумдорлик ҳолатига қарамаслик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидасини, жамоат ва шахсий гигиенани бузмок, боғ-роғ, резаворга зарар етказмок, сувни исроф қилмоқ, бетартиб бутазор яратмоқ, дарахт ўтқазмоқ каби жиноятларга тегишли жазо белгиланган. Шунингдек, ҳовуз, чашма ва ариқ бўйига мевали дарахт ўтқазиш ман этилган, чунки бир дона мева сувга тушиб чириса, сувни истеъмол қилган киши касалланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Ариқ ёки ҳовуз бўйига мол боғлаган одам 25 қамчи калтаклаш билан жазоланган. Қабристонлар учун сув ҳавзларидан узоқроқ жойлар танланган.

Ҳозирги кунга келиб, атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир давлатнинг қонун ва қоидалари, ҳалқаро ҳукуқий-меъёрлар яратилгани ҳолда унга амал қилмаслик, ўз манфаатини қўшни

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

давлатлар манфаатидан юқори қўйиш ҳолатлари, содир бўлмоқда. Айниқса, трансчегаравий сув манбаларидан фойдаланишда халқаро ҳуқуқий меъёрлар бир ёқлама ҳолатда бузилмоқда. Азалдан тарихи, дини, маданияти, урф-одатлари бир бўлган, бир дарё соҳилида жойлашган халқларнинг экологик онги ва маданиятининг ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик тамойилларига амал қилишни тақозо этади.

Дин ва шариат қонунларининг намунаси бўлган “Мухтасар” китобида “Бир киши фойдасиз ернинг атрофини чегаралаб, тошлар билан ўраб қўйса, аммо уч йилгача ундан фойдаланмаса, яъни мазкур ерни яроқли қилмаса, ҳоким у ерни иккинчи кишига олиб берур”, деган кўрсатмалар ёзиб қўйилган [2.238].

Шунингдек, мазкур манбада “Агар сувни боғлаб тўхтатмаса ери сув ичмайдиган бўлса ҳам сувнинг юқорисидаги киши сувни бўғиб тўхтатишдан ман қилинади, илло шерикларининг розилиги билан тўхтатса, дуруст бўлар”, деган ибратли жумлалар ёзиб қўйилган [2.336].

Юқоридаги келтирилган манбалар халқимизнинг ҳатто узоқ ўтмиш давларидан ҳам ҳуқуқий экологик онги ва маданиятига эътиборлари ўсиб борганлигини асослаб беради.

Бугунги кунда аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятининг маънавий ва ҳуқуқий асослари етарли даражада намоён бўлмоқда.

Муҳим жиҳатлар шундан иборатки, аҳолининг экологик маданиятини ижтимоий

фаолиятнинг турли соҳалари (таълим, тарбия, ишлаб чиқариш жараёни) да шакллантириш, экологик маданиятни юксак маънавий қадриятлар, миллий анъаналар, урф-одатлар ва ҳуқуқий асослар негизида ривожлантириш бугунги кунда халқимизнинг менталитетига, этноэкологик маданиятига мос жиҳатлар ҳисобланади.

Экологик онг эса жамият тараққиётининг барча босқичларида ривожланиб, инсоният маънавиятининг бир қисмини ташкил этади.

Жамият аъзоларининг маънавияти, экологик муҳитга нисбатан унинг табиат олдидаги ҳуқук ва бурчларини белгилаб беради. Жамиятдаги ҳар бир фуқаро табиат бойликларидан давлатнинг қонунлари доирасида фойдаланиш билан бирга уни авайлаб асрash, тежамкорлик билан муносабатда бўлиш масъулияти ҳақида ҳам унутмаслиги керак.

Мустақиллик йиллари табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича республикамида 30 дан ортиқ қонунлар ва қоидалар қабул қилинди. Натижада халқимизнинг экологик саводхонлиги ортиб бормоқда. Ҳуқуқий экологик саводхонликни оммалаштириш ташвиқот-тарғибот ишларини давр талаблари асосида олиб боришни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан экологик маданиятнинг юксалишида маънавият, маданият ва ҳуқуқий билимларнинг мутаносиблиги амалий аҳамият касб этади.

## Адабиётлар:

- Хомидий Х. “Авесто”. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2001.
- Мухтасар (жамият қонунларига қисқача шарҳ) – Т.: Чўлпон, 1994.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).